O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIV PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 24-fevral • Shanba • 24 (27.669) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ШОФИРКОНДА БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Халқимизнинг қадимий байрами — Наврўзга тайёргарлик ишлари Шофиркон туманида кенг кўламда бошлаб юборилди. Туман марказида олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларидаги уюшқоқлик ҳамда кўтаринки руҳ Наврўзи олам яқинлигидан далолатдир. Бир томонда истироҳат боғи барпо этилаётган бўлса, иккинчи томонда йўллар таъмирланмоқда. Йўл ва кўчаларга замонавий ёриткичлар ўрнатиляпти, гулу гулзорлар барпо қилинаяпти.

— Бундай хайрли ишлар, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдураҳмон Шарипов, — барча қишлоқларда ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, Наврўз тантаналари ўтказиладиган жойларни кўкаламзорлаштириш мақсадида ҳар бир киши биттадан мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқазиш бизда анъанага айланган.

Дарвоқе, Таласафед маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги байрам тадориги ҳамманинг қалбини шод этмоқда. Бу ерда маҳалла маркази бунёд этилди. Унда тўй ва маросимлар ўтказиладиган маиший ва савдо хизмати кўрсатиш тармоқлари қуриб битказилди.

— Биргина бу эмас, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Баҳром Неъматов, — қишлоқларда байрам арафасида катта қурилишлар ҳам бошлаб юборилди. Саврак қишлоғида 630 ўринли замонавий янги мактаб қурилаётган бўлса, Деновда 4, 24-мактаблар биноси қайта реконструкция қилинмоқда. Шунингдек, 9, 48- мактаблар капитал таъмирланаяпти.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН БЕҚИЁС ҲИССАСИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ТУРКИСТОН-ПРЕСС» НОДАВЛАТ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ

Савол. *Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши юртимизда катта қувонч билан кутиб олинди.*

Барчамиз яхши тушунамизки, Тошкент шаҳрининг бундай номга сазовор бўлиши оламшумул воқеа бўлиб, ислом оламидаги нуфузли ташкилотнинг бу қарорга келиши бежиз эмас ва унинг ўзига хос сабаб ва асослари бор, албатта. Мана шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингизни гапириб берсангиз.

Жавоб. Ҳақиқатан ҳам, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти бўлмиш АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деган ном берилиши мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеадир.

Барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак обрў-эътиборга эришгани нафақат халқимизга, айни вақтда яқин ва узоқдаги дўстларимизга ҳам ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб ишонч билан айтишга асосларимиз бор.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, аввало, шуни айтиш керакки, у Ислом конференцияси ташкилотининг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, 1979 йили мазкур ташкилотнинг Марокаш давлатининг Фес шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида унга асос солинган. Ислом конференцияси ташкилоти деганда эса, мусулмон оламини бирлаштирадиган ва ўз таркибида 57 та мамлакатни жам этган, халқаро миқёсдаги муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилишда таъсири ва аҳамияти тобора ортиб бораётган нуфузли ташкилотни тушунамиз.

Бир сўз билан айтганда, АЙСЕСКО фаолиятининг асосий йўналишини фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини изчил ривожлантириш, ана шу негизда аъзо давлатлар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш каби муҳим вазифалар ташкил этади.

Шу ўринда мен, авваламбор, Тошкент шаҳрини 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилган ана шу ташкилотнинг кўпни кўрган, ислом оламида катта мавқе ва ҳурматга эга бўлган раҳбарлари ва фаолларига мамлакат Президенти, қолаверса, шу юрт фуқароси, мусулмон фарзанди сифатида халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Бу қувончли воқеа муносабати билан кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг элчилари, таниқли олиму уламолардан Ўзбекистон раҳбарияти номига қизғин қутловлар келмоқда. Бу табрикномалар орасида Ислом конференцияси ташкилотининг Бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли, Бутунжаҳон ислом лигаси Бош котиби, доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-Туркий, АЙСЕСКО Бош директори, доктор Абдулазиз Осман ат-Тувайжирий, Ислом тараққиёт банки Президенти, доктор Аҳмад Муҳаммад Али, Эрон Ислом Республикасининг собиқ Президенти, Маданиятлар ва цивилизацияларо мулоқот халқаро институти директори Саййид Муҳаммад Ҳотамий, Мисрдаги «Ал-Азҳар» диний марказининг шайхи ва бош имоми, доктор Муҳаммад Саййид Тантавий, Исломобод халқаро ислом университети ректори, доктор Манзур Аҳмад ва бошқа ўнлаб атоқли шахсларнинг юртимиз ва халқимиз шаънига билдирган самимий сўзларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, Ҳиндистон, Туркия, Индонезия, Кувайт каби бир қанча мамлакатларнинг кўзга кўринган давлат ва жамоат намояндалари, оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам шу муносабат билан ижобий фикрлар билдирилгани эътиборга молик.

Шуни айтиш керакки, биз бу инсонларнинг кўпчилигини яқиндан биламиз ва уларни юксак қадрлаймиз. Уларнинг айримлари билан эса ғойибона танишмиз. Матбуотимизда чоп этилган ана шу қутлов ва фикр-мулоҳазалар билан танишар эканмиз, уларда бизнинг қадимий ва бой тарихимиз, миллий қадриятларимизга нечоғлиқ чуқур ҳурмат ва эҳтиром туйғуси ифода этилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Гарчи бу номалар Ўзбекистон раҳбари сифатида менинг номимга юборилган бўлсада, уларда битилган табрик ва тилаклар юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларга, бутун халқимизга қаратилганини, табиийки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрга урғу беришни истардим: агарки тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф, аввало, ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шахсан менга бундай холис ва ҳаққоний баҳодан, аввало, юртимиз заминида яшаб ўтган мутафаккир боболаримиз, улуғ алломалар ва азиз зотларнинг муборак руҳлари шод бўлаётгандек туюлади ва ўйлайманки, бу фикрга барча юртдошларимиз ҳам қўшилади.

Энди бевосита Тошкентга «Ислом маданияти пойтахти» деб ном беришга асос бўлган омиллар ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг тарихий, маданий ва маънавий жиҳатлари хусусида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, фақатгина иккита муҳим йўналишга эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

(Давоми 2-бетда)



Ўзбекистон — Қозоғистон:

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Ўтган йил 4 сентябрда мамлакатимиз Президенти давлат ташрифи билан Қозоғистон Республикасида бўлган эди. Мазкур ташриф асносида ҳар икки давлат ҳукуматлари ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ва тадбирлар режаси имзоланганди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ яқинда Қозоғистон Республикаси элчихонаси ташаббуси билан Жеттисой қозоқ драма театри жамоасининг юртимиз вилоятлари бўйлаб ижодий сафари бўлиб ўтди. Жумладан, улар иштирокидаги концерт дастурлари, маданий-маърифий чиқишлар Навоий, Жиззах, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида намойиш этилди.

Куни кеча мазкур тадбирлар доирасида Республика қозоқ миллий-маданий марказида янги кутубхона очилиш маросими ўтказилди. Тадбирда Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аскар Мирзахметов сўзга чиқиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, хусусан, маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди.

— Икки қардош халқ ўртасидаги маданий алоқалар узоқ тарихга эга, — **дейди Республика Байналмилал маданият маркази раиси Насриддин Муҳаммадиев.** — Айтиш жоизки, ота-боболаримиздан қолган бу анъаналар бугун ҳам давом эттирилиб бунда қозоқ миллий-маданий марказ ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Янги кутубхона 3,5 минг китоб фондидан иборат бўлиб, ундан қозоқ адабиёти ва тарихи, энциклопедиялар, турли хил луғатлар ўрин олган. Қозоқ халқининг ўтмиши, маданияти, бугунги куни билан қизиққан ҳар бир киши бу ердан тўлиқ маълумот олиш имкониятига эга.

Тадбир сўнггида иштирокчилар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро яқинлик бундан буён ҳам янада ривожланишига ишонч билдирдилар.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

❖ Фракция фаолияти

АВИАСОЗЛАР ҲУЗУРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат акциядорлик жамиятида учрашув бўлиб ўтди.

Ушбу бирлашмада партиянинг 200 дан ортиқ аъзолари фаолият кўрсатади. Уларни бирлаштириб турган бошланғич партия ташкилоти эса энг катта, энг фаол, энг ташаббускор бошланғич ташкилотлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда партия фаоллари, фракция аъзолари иштирокида тез-тез учрашувлар, давра суҳбатлари, турли бошқа тадбирларни ўтказиш одатга айланган.

Бу галги учрашув айни пайтда Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган, Президентимиз томонидан киритилган давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий қонун лойиҳасини кенг тушунтиришга бағишланди.

Дастлаб фракция раиси Аслиддин Рустамов Қонунчилик палатаси томонидан олиб борилаётган ишлар, қабул қилинаётган қонунлар, ХДП фракциясининг қўйи палата муҳокамасидаги масалаларга нисбатан партия дастурий ғояларидан келиб чиққан ҳолда, тутаётган позицияси ҳақида гапирди. Шундан сўнг фракция раисининг ўринбосари Анатолий Козлов юқоридаги қонун лойиҳасига батафсил тўхталди. Шунингдек, сиёсий партияларнинг фаоллашувига туртки бераётган омиллар хусусида фикр билдирди.

Шунингдек, учрашувда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларга ҳам алоҳида тўхталдилар.

Йиғилганларни нафақат ушбу мавзулар, балки «Ижтимоий ҳимоя йили»да олиб борилиши лозим бўлган ишларнинг асосий йўналишлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти, коммунал хизмат, пенсия таъминоти билан боғлиқ баъзи масалалар ҳам қизиқтирди. Саволларга фракция аъзолари Анвар Бойқулов, Анвар Шукуровлар батафсил жавоб қайтардилар.

Беҳзод ШУКУРОВ

УЧРАШУВЛАР ҲАФТАСИ

❖ ЎзХДП ҳаёти

Партиямиздан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига сайланган депутатлар ҳар ойнинг учинчи ҳафтасини сайловчилар билан учрашувлар ҳафтаси, деб эълон қилишган. Шунга мувофиқ ўтган ҳафта давомида Жўқорғи Кенгес депутатлари Қ.Утениязов, Қ.Жанибеков, М.Аллам-бергенов, О.Ревенков, С.Алланазаров ва бошқалар ўз сайлов округлари, шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва овулларда партиямиз электорати вакиллари, ўз сайловчилари билан учрашдилар.

Мулоқотлар чоғида депутатлар Президентимизнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратдилар.

Шунингдек, сайловчилар ҳам юртимиздаги ўзгаришларни эътироф этдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Республика Президентининг **«2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»**ги ҳамда **«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги Қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида **Қашқадарё вилоятига** навбатдаги 40 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган **«Ўзбекистон темир йўллари — «ЭКОСАН»** саломатлик поезди юборилди.

Катталар учун кийим-кечаклар, болалар пойабзаллари, кўрпа-тўшак ғилофлари, санитария-гигиена воситаларидан иборат мазкур инсонпарварлик ёрдами вилоятдаги ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали кам таъминланган оилалар ҳамда ижтимоий соҳа объектларига топширилади.

Инсонпарварлик ёрдами ҳомийлар маблағлари, шунингдек, **«Экология ва саломатлик кунлари»** доирасида ўтказилган экологик ҳашарлардан тушган маблағ эвазига ташкиллаштирилди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Андижонда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда иштирок этган муаллимлар ўқувчиларга замонавий техник восита ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиб, янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтишда эришаётган ютуқларини намойиш этишди.

Шу ўринда бу йилги танлов жуда қизиқарли, юқори савияда ташкил этилганини қайд этиш жоиз. Айниқса, унда педагоглар ҳозирги замон ўқитувчиси қандай бўлиши кераклиги масаласига алоҳида эътибор қаратдилар.

Зулфия МИРКАРИМОВА,
Булоқбоши туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси

Исломободда Бобурийлар даври тангаларининг тақдимоти

Покистон Ислом Республикасида «Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Нумизматика тадқиқотлари» номли монография нашрдан чиқарилди. Унинг муаллифи — таниқли кимё-технолог, узоқ йиллар давомида турли халқаро нефть компанияларида ишлаган Аман ур-Раҳмон ҳозир нафақада бўлишига қарамай жамоат ишлари ва илмий фаолият билан фаол шуғулланади.

Нумизматика (танга-чақа ва медаллар тарихини ўрганувчи фан) билан шуғулланиш, қадимги тангаларни йиғиш Аман ур-Раҳмоннинг жону дили. У турли халқаро нашрларда эълон қилинган соҳага оид кўплаб илмий мақолалар муаллифи ҳамдир.

Аман ур-Раҳмоннинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Нумизматика тадқиқотлари» монографияси буюк шоир ва давлат арбоби Бобур ҳамда унинг авлодлари — Ҳумоюн Мирзо, Комрон Мирзо ва сулоланинг бошқа вакиллари ҳукмронликлари даврида танга зарб этиш антологиясига бағишланган. Монография муаллиф тўплаган қадимий тангалар тўплами ҳамда Буюк Британия, Германия ва Покистон музейларида сақланаётган Бобурийлар бошқаруви даври тангалари коллекцияси асосида ёзилган. Китобда Бобур ҳаёти билан боғлиқ воқеалар атрофлича қаламга олинган бўлиб, муаллиф ҳукмдор ҳаётлик чоғида битган «Бобурнома» ва бошқа тарихий манбаларга ҳам мурожаат қилган.

Асарда қайд этилишича, Бобурийлар династиясининг молиявий сиёсати қатъиян илмий билимлар ва ҳаётий тажриба асосига қурилган. Аман ур-Раҳмон келтирган маълумотларга қараганда, XIV – XVII асрлар давомида давлатнинг иқтисодий ҳолати барқарор бўлгани ҳолда озиқ-овқат ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари арзон баҳоларда сотилган.

Монографияда тангалар ҳақидаги, уларнинг зарб этилган вақти, қадр-қиммати, таркиби ва бошқа ўзига хос жиҳатларига оид маълумотлар атрофлича қаламга олинган. Тангалар алоҳида-алоҳида каталог асосида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади. Тўпламда Самарқанд, Бадахшон, Кобул, Лаҳор, Қандаҳор ҳамда Ҳиндистоннинг бир неча шаҳарларида зарб этилган қадимги тангалар намуналари бор.

Яқинда Панжоб вилоятида жойлашган «Rohtas» қалъасида мазкур асар тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Покистон маданият ишлари федерал вазири Фози Жамол ҳамда Ҳиндистоннинг Исломободдаги элчиси Сатьябрат Пал қатнашди. Улар ўз чиқишларида Бобур ҳамда унинг сулоласи аъзолари Жанубий Осиёда давлатчиликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшганларини таъкидлашди.

«Жаҳон» АА
Исломобод

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялашган

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН БЕҚИЁС ҲИССАСИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ТУРКИСТОН-ПРЕСС» НОДАВЛАТ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биринчидан, «Ислом маданияти пойтахти» деган тушунча ўзида қандай маъно-мазмунни ифода этади? Иккинчидан, бундай юксак эътирофга сазовор бўлиш учун қандай мезон ва тамойиллар асосий сабаб бўлиши мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, бу масалада номзод мамлакатнинг умумий тарихи, хусусан, ислом дини билан боғлиқ тарихи катта роль ўйнайди. Шунингдек, мазкур халқ ҳаётидаги мусулмон динига хос қоида ва арконлар, қадимий анъана ва қадриятлар, ушбу юртнинг асрлар давомида ислом цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси, бу ерда қандай юксак тафаккур соҳиблари, буюк уламолар яшаб ўтгани ва улар қолдирган илмий-маънавий мерос инобатга олиниши муқаррар. Шу билан бирга, номзод мамлакат томонидан бугунги кунда ана шу ноёб ва мўътабар мероснинг қай тарзда сақлаб, асраб-авайлаб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб ва таннум этиш юзасидан қилинаётган ишларга алоҳида баҳо берилиши табиий.

Барчамизга маълумки, юртимизда ана шундай мерос собиқ шўро даврида ҳам мавжуд эди. Жумладан, бебаҳо тарихий қўлёзмалар махсус фондларда сақлаб келинар ва улардан фақат тор доирадаги мутахассислар илмий мақсаддагина фойдалана оларди. Бу меросни синфий ва мафкуравий нуқтаи назардан эмас, асл инсоний моҳиятига мос равишда чуқур ўрганиш, маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида талқин ва тарғиб қилишга эса мутлақо йўл қўйилмасди. Бунга журъат қилган одамларнинг қандай тазйиқ ва хавф-хатарларга учраши муқаррарлигини яқин ўтмишимиз билан таниш бўлган ҳар қайси одам яхши билади.

Бугунги кунда биз ворис бўлган ана шу моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида кенг ва атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, ундан халқимизни баҳраманд қилиш масаласига Ўзбекистон раҳбарияти ва жамоатчилиги алоҳида аҳамият бериб келаётганини таъкидлаш лозим.

Шу мақсадда диний-маърифий қадриятларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш, шу асосда ёш авлодимиз қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш бўйича олиб бораётган амалий ишларимиз жамоатчиликка яхши маълум.

Биз мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа қадимий шаҳарларимиздаги Шарқ меъморлик санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратмоқдамиз. Баъзи бир йирик обидалар бўйича бундан 15-20 йил олдин бошлаган ишларимиз ҳозиргача давом этмоқда.

Таъкидлаш керакки, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш — бу фақат тегишли маблағ ва куч-имконият топишдангина иборат эмас, балки биринчи галда жиддий илмий ёндашувни, нозик дид ва маҳоратни, чуқур билим, тажриба ва юксак салоҳиятни, керак бўлса, маънавий покликни талаб қиладиган мураккаб соҳадир.

Мисол учун, қадимий қўлёзмаларни тўғри ўқиш ва талқин қилиш учун олим ва мутахассисларимиз қанчалик билим, истеъдод ва зеҳн, масъулиятга эга бўлиши зарурлиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Кези келганда айтиш лозимки, айнан муқаддас китоблар, диний қўлёзмаларнинг маъносини нотўғри талқин қилиш оқибатида бугунги кунда дунёда турли хил низо ва қарамақаршиликлар юзага келаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ёки айтайлик, кўҳна мадраса ва масжидлар пештоқига араб ёзувида битилган сўзларни ҳар қандай одам ҳам ўқий олмайди. Нега деганда, исломий хаттотлик санъатининг ўзи бир олам бўлиб, унинг қанча-қанча ўзига хос сирлари бор.

Бугунги кунда бизнинг тарихий мерос масаласига катта масъулият билан қараб олиб бораётган ишларимизнинг амалий тасдиғини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳридаги XI-XV асрлар ёдгорлиги бўлмиш, қадим замонлардан буён бутун мусулмон дунёсининг эътиборини ўзига тортиб келаётган Шоҳи Зинда мажмуасида уч йил аввал бошлаган кенг кўламли ишларимиз бугун ҳам давом этмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида шу эзгу мақсад йўлида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотурудий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўкгумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш бўйича бажарилган бунёдкорлик ишларини эслаш ўринли, деб ўйлайман.

Шу борада бугун Тошкент шаҳрида жойлашган, Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони сақланаётган Ҳазрати Имом мажмуасида кенг кўламли қайта тиклаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш фурсати келганини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Эътиборли жиҳати шундаки, бундай савобли ишларда қандайдир иккинчи даражали нарсанинг ўзи йўқ. Чунки такрор айтаман, бу — халқимизнинг тарихий хотираси, миллий ўзлиги ва маънавиятининг юксалиши билан узвий боғлиқ масаладир. Шунинг учун ҳам бу жараёнда обидаларни нафақат қайта тиклаш ва таъмирлаш, айни вақтда уларнинг ён-атрофидаги ўзига хос табиий муҳитни асл ҳолида сақлаб қолиш каби масалаларни ҳам биз эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Биз 1997 йили Имом Бухорий мажмуасини янгитдан барпо этиш пайтида бу ердаги олти-етти аср умр кўрган чинорлар ва қадимий ҳовузни сақлаб қолиш учун барча зарур чораларни кўрдик. Ҳатто чинорлар қандайдир касалликка чалинганда, даволаш учун Тошкентдаги Ботаника илмий-тадқиқот институтидан тегишли мутахассислар юборилган эди. Бундай фикрни Шаҳрисабздаги Дорус-саодат ёдгорлик мажмуасида қад ростлаб турган кўҳна чинорлар мисолида ҳам айтиш мумкин.

Албатта, биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин.

Олдимизга қўйган бундай эзгу мақсадларга эришишда, миллий қадриятларимиз ва ўзлигимизга садоқат билан ҳаёт кечиришда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охирати ўйлаб яшаш, саховат ва мурувват сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади.

Ўзингиз ўйланг, агар биз истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб тарихий обидаларимизни қайта тиклаш, қадимий ва бой меросимизни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва фарзандларимизга безавол етказиш ҳақида қайғурмасак, бунинг учун астойдил ҳаракат қилмасак, бугун маънавий ҳаётимизни озиқлантириш ва юксалтириш ҳақида гапириш мумкин бўлармиди?

Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида маънавият ва маърифат аҳли, олимлар, зиёлиларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларидан, бир сўз билан айтганда, шу Ватанга меҳр қўйган ва ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсондан фаоллик ва фидойиликни талаб этади.

Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайриҳоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби — биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади.

Ўз-ўзидан равшанки, Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак ном берилиши бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Айниқса, неча юз йиллар мобайнида юртимиз ҳудудида яратилган буюк маданий ва маънавий мероснинг туб моҳиятини, унинг кўпчиликка маълум бўлмаган қирраларини нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон аҳлига кенг тарғиб қилиш, шу тариқа ислом дини тинчлик, маърифат, юксак аҳлоқ-одоб ифодачиси эканини яна бир бор намоён этиш борасида ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини биз яхши англаймиз.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса, аввало, ўз имкониятларимизни яна бир бор холисона баҳолаб, яқин келажак ва истиқболдаги энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олишимиз даркор. Шу мақсадда тегишли амалий дастур ишлаб чиқилгани, унда юртимиздаги мусулмон меъморчилиги обидаларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини изчил давом эттириш, ислом маданиятини кенг тарғиб қилиш юзасидан аниқ тадбирлар режалаштирилгани, жумладан, пойтахтимизда «Ислом ва бағрикенглик» мавзусида нуфузли халқаро илмий конференция ўтказиш кўзда тутилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Ўйлайманки, биз, халқимиз, жамоатчилигимизнинг куч-ғайрат ва саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ва сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизга нисбатан билдирилган «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак эътибор ва ишончни амалий ишлар билан оқлашга эришамиз, албатта.

Ана шундай эзгу интилишларимизни амалга ошириш йўлида юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, азиз Ватанимизнинг шон-шуҳратини янада зиёда қилишини Оллоҳдан сўраб қоламиз.

ТИББИЁТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Ўтган йили Фарғона туманида соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Биргина Хонқиз қишлоғидаги Истиқлол қишлоқ врачлик пунктида олиб борилган бунёдкорлик ишларига ҳомийларнинг 10 миллион сўмликдан ортиқ маблағи сарфланди.

Шоҳимардон қишлоғи эса туманнинг энг чекка ҳудудида жойлашган. Бу ердаги Шоҳимардон, Ёрдон ва Иттифоқ қишлоқ врачлик пунктларида камида олти минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатилади.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Шоҳимардонобод ҚВПнинг ишга туширилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунингдек, Чекшўрда ва Хонқиз қишлоқ врачлик пунктларида ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатила бошланди.

— Жорий йилда эзгу ишларнинг кўлами янада кенгаяди, — дейди ***туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори Мамаржон Мамажонов.*** *— Туманимиздаги фермерлар, тадбиркорлар ҳамда саховатли инсонлар шифохоналаримиз ва қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш ниятидалар.*

✧✧✧

Суратларда: *Фарғона туманидаги Шоҳимардонобод қишлоқ врачлик пунктининг дояси Сайёрахон Сотволдиева; таҳлил хонаси лаборанти Наимахон Умарова.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

❖ Партиядошларимиз фаолиятидан

Денов туманидаги «Нозим Мирзаев» номли масъулияти чекланган жамият раиси, ХДП фаоли, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Жума Мирзаев 2005 йилда «1-тез тиббий ёрдам бўлими»га «Дамас» совға қилган бўлса, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да 5 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам, «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг ўтган бир ойида эса кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга бир миллион сўмлик мурувват кўрсатди.

ҲИММАТ

Деновда Жума Мирзаевни кўпчилик саховатли инсон, тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган раҳбар сифатида яхши билади. Янгиликка интилувчан бу инсон мустақилликнинг дастлабки йилларида Фарғона водийсидан Деновга турфа гуллар уруғини келтирганди. Шу-шу туманда гулчиликка қизиқувчилар кўпайди. Ҳозир қиш бўлишига қарамай жамият ҳовлисидаги чамандек очилган гуллар кўзни қувнатади. Мактаб, корхона, ташкилот, муассасалар доим шу ердан турли кўчатлар олади.

Мазкур жамият 1995 йилда ташкил этилганди. Ўтган йиллар давомида бу ерда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Айни пайтда жамиятда 65 киши меҳнат қилмоқда.

— Ўтган йили умумий даромадимиз 200 миллион сўмдан ортди, — дейди жамият раиси. — Асосий мақсад янги иш ўринлари яратиб, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашдир. Бунга бир қадар эришиб келаяпмиз ҳам. 2006 йилда 20 киши иш билан таъминланган эди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса жамият қошида тикув цехи очиш мўлжалланган. Тикув машиналарини келтирдик. Шунда яна 10 нафар хотин-қиз ишли бўлади...

Бу инсон ҳақида гап кетса, кимдир унинг тадбиркор, ташаббускорлиги ҳақида гапирса, яна кимдир эзгу савоб ишларини мақтайди, масалан, ўтган йили ишга туширилган болалар спорт мажмуига 400 минг сўм ёрдам бергани, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига 2 миллион сўмлик дарсликлар совға қилганини эътироф этади.

Олтинсой туманидаги Сўфи Оллоҳёр зиёратгоҳини таъмирлашга 3 миллион сўм ёрдам кўрсатганини мисол келтиришади.

— Дунёда яхши одамлар кўп экан, — дейди Денов шаҳри «Гулистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Али Сироев. — Ёшим 66 да. Кампирим оламдан ўтгач, ёлғизланиб қолдим. Йиллар давомидаги оёқ оғриғи охири тўшакка михлади. Янги йилнинг дастлабки кунларида Жума Мирзаев келди. Ногиронлик аравачасини кўриб, ишонасизми, кўзларимга ёш келди. Барака топсин...

Партиядошимиз ҳақида бундай яхши гапларни кўпчиликдан эшитдик. Ўйлаб кўрилса, унинг меҳнатлари замирида жонқуярлик, юртни севиш, элни эъзозлашдек эзгу мақсад мужассамлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Сирдарё вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан туман ва шаҳар кенгашлари ёшлар қанотининг конференциялари ўтказилмоқда. Уларда қанотнинг янги аъзо ва фаоллари сайланди. Шунингдек, ёшлар бу йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ва қабул қилинган Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларни бажаришда «Истиқбол» ёшлар қанотининг вазифалари ҳақида фикрлашдилар. Конференцияларда туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Хонқа туман кенгаши қурилиш касб-ҳунар коллежида «Миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари — Ўзбекистон ХДП сиёсий мафкураси пойдевори» мавзусида семинар ўтказди. Унда ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров маъруза қилди. Коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари янгиланиш жараёнлари ва уларда ёшларнинг ўрни ҳақида ўзаро фикр алмашдилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Жалақудуқ туман партия кенгаши ташаббуси билан «Сўфиқишлоқ» ва «Ойим» ҳудудий партия ташкилотларида «Ижтимоий ҳимоя йили» ва «Миллий ғоя тарғиботи» масалаларига бағишланган ХДП фаоллари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Сергели туман кенгаши томонидан «Кетринг НАК» ташкилотида «Ёшлар ва гиёҳвандлик» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар наркология диспансери ва Сергели туман ОИТС маркази вакиллари гиёҳвандликнинг фожиали оқибатлари ҳақида суҳбат қилишди.

Пахтакор туман ХДП кенгаши қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни» мавзусида «давра суҳбати» ташкил этди. Кенгаш раиси партияларнинг жамиятдаги ўрни, мақсад ва вазифалари, ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, ЎзХДП мафкуравий устуворликлари ҳақида йиғилганларга маълумот берди. Тадбир сўнггида партияга янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

❗ Долзарб мавзу

ЯНГИ СОЛИҚ

ҲАҚИДА ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИНИНГ II ДАРАЖАЛИ ХИЗМАТЧИСИ, ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛЛАР МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ МУДИРИ, ИҚТИСОД ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР ТОЗАБЕК ТОШМУРАТОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

(Боши ўтган сонда)

— Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 2007 йилда солиққа тортишдаги ўзгаришлар иқтисодий ўсишга қандай таъсир қилади, деб ўйлайсиз?

— Йил бошидан бошлаб савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғи, мол-мулк солиғи, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди. Энди савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ихтиёрида қўшимча 27,1 млрд. сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолади.

Масалан, товар айланмаси ҳажмидан ягона солиқ тўлови: савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишчилар сонидан қатъи назар ялпи тушумдан ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказилди: **Савдо корхоналари** учун жойлашган жойига қараб табақалаштирилган ставкаларда: аҳоли сони 100 минг киши ва ундан ортиқ бўлган шаҳарларда 5%; бошқа аҳоли пунктларида — 3%; бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда — 1%; умумий овқатланиш корхоналари — 10%. Шундан умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш корхоналари — 8%. Улгуржи ва чакана дорихона муассасалари: аҳоли сони 100 минг киши ва ундан ортиқ бўлган шаҳарларда — 3%; бошқа аҳоли пунктларида — 2%; бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда — 1%.

— Бундай имтиёзлар ихтисослашган улгуржи базалар ва уларнинг ҳудудий конторалари учун ҳам дахлдорми?

— Ҳа. Ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалар ривожи учун ҳам солиқ имтиёзлари кўзда тутилган. Президентимизнинг 2006 йил 8 июндаги «Ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2006 йил 1 июндан бошлаб, улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий базалари 3 йил муддатга ялпи даромад солиғидан озод этилиб, давлат мақсадли жамғармаларига ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Мактаб таълими бюджетдан ташқари жамғармасига савдо корхоналари учун белгиланган амалдаги ставкалар бўйича ялпи даромаддан ажратмалар тўлаши белгиланган.

— Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича қандай ўзгаришлар бор?

— Аҳолининг даромадидан солиқ юкини камайтириш мақсадида жисмоний шахслар даромад солиғининг ставкаси:

5 мин. иш ҳақигача — 13%;

5 дан 10 мин. иш ҳақигача — 18%;

10 мин. иш ҳақидан юқори — 25% қилиб белгиланди.

Фуқароларни жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг амалдаги бир фоизли ставкаси ва ҳисоблаш тартиби сақлаб қолинди.

2007 йилда жисмоний шахсларга тегишли турар-жойлар, квартиралар, дала ҳовли ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотларнинг қийматидан келиб чиқиб 0,5% ставкада мол-мулк солиғи ундирилиши жорий этилди.

Солиққа тортиладиган мол-мулкка эга пенсионерлар учун мол-мулк солиғи бўйича умумий майдони 60,0 кв. метрга тенг бўлган солиққа тортилмайдиган минимум ажратилди.

Шунингдек, жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш органларининг инвентаризация баҳоси бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 2100,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда — 920,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилиниши белгиланди.

— Газетхонларимиз баъзан ресурс солиқлари бўйича қабул қилинган ўзгаришлар, тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига берилган имтиёзлар ҳақида ҳам сўраб туришади...

Ресурс солиқлари бўйича ҳам ўзгаришлар анчагина: ер ва ягона ер солиғи ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар ставкалари 2006 йилдагига нисбатан 1,5 бараварга индексацияланди. *Ягона ер солиғини* 2007 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон, Бухоро, Хоразм вилоятлари билан бирга Жиззах, Навоий ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳам қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиқиб солиқ тўлашга ўтказилди. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиқиб, *ягона ер солиғининг* 2,3 фоизли ставкаси жорий қилинган.

Ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар ва тўловлар бўйича *ягона ижтимоий тўлов* ставкаси 2007 йилда 24 фоизга туширилиб, унинг мақсадли жамғармаларга ставкалар бўйича тақсимланиши жорий этилмоқда: бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 23,5%; давлат бандликка кўмаклашиш фондига — 0,3%; касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига — 0,2%.

❖ Наврўз қўшиқлари

КЎКЛАМ МЎЪЖИЗАСИ

СУМАЛАК ПИШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ УДУМ ВА МАРОСИМЛАР

Халқимизнинг сумалак пишириш билан боғлиқ қизиқарли удумлари бор. Ҳатто сумалак учун ундирилган буғдой майсасини муқаддас билиш расмининг излари ҳам сақланиб қолган. Сумалак пишираётганда фарзанд кутаётган ёки бефарзанд аёлларга буғдой майсаси берилган, бу билан келаётган йилда фарзандли бўлишларига тилак билдирилган. Болалар тезроқ улғайиб, вояга етишларига умид боғлаб, уларнинг чопонларининг этагига буғдой майсасини осиб қўйганлар. Сумалак тагига олмасин учун қозонга солинадиган тош ёки ёнғоқларнинг сонини белгилашда ҳам ўзига хос қадимий анъаналарнинг нафаси билиниб туради. Момоларимиз сумалак қайнаётган қозонга еттита ёки ўн учта тош ташлайдилар. Чунки «етти» дунё халқларининг энг севимли «сеҳрли» сони.

Халқимиз орасида сумалак пишириш билан алоқадор ғоят қизиқарли анъана ва удумлар, эътиқод ва ишончлар бўлган. Афсуски, боболаримиз томонидан яратилган қадриятларимизнинг кўпчилиги унутилиб кетган. Ўлкамизнинг турли жойларида фольклор экспедицияларида бўлганимизда, кексалар хотирасида сақланган ана шундай удум ва эътиқодларни, сумалак пиширишда амал қилинадиган одатларга доир маълумотларни тўплашга ҳаракат қилдик. Қуйида халқимизнинг сумалак билан боғлиқ эътиқод ва ишончларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз:

— қишдан эсон-омон чиқиб олган одамлар бир-икки косадан буғдой йиғиб, ундириб, бир дошқозонда сумалак пишириб ейишса, бир-бирларига қариндошдек яқин бўлиб қолишади;

— сумалак буғдойи ундирилаётган уйга бегона кишиларни киритмайдилар;

— кўкартирилган буғдой майсасини одамлар кўзига суртишади, «янгилик, яхшилик» деб тавоф қиладилар;

— сумалак пишириладиган қозоннинг қулоғига майса осиб қўядилар;

— сумалак пишадиган куни ҳамма озода кийим кияди, янги либоси бўлмаган киши ҳеч бўлмаса бирорта оҳорли мато бўлаги билан бармоғини боғлаб олса ҳам савоб бўлади, дейдилар;

— сумалак қилаётган момолар ундирилган буғдой майсасининг ширасини қизил рўмолдан сузиб олганлар ва ўзлари ҳам қизил кўйлак кийиб, шу рангда рўмол ўраганлар. Шундай қилинса, сумалак қиёмига етиб қип-қизариб пишар эмиш;

— сумалак майсасининг суви кўни-қўшниларга, қариндошуруғларга улашилади. Бу сув солинган қозонда пишган таом баракали бўлади, деб ўйлайдилар;

— сумалак пишираётганда ҳамма хурсандчилик қилиши, ҳеч ким бир-бирининг кўнглига озор бермаслиги керак.

Сумалак пишириш удуми табиатнинг ўлиб-тирилиши, яъни кузда рамзий маънода «уйқу»га кетган ўсимликлар оламининг эрта кўкламда қайта жонланиши ҳақидаги қадимий халқ қарашлари асосида келиб чиққан чинакам халқона анъаналаримиздан биридир. Ҳар йили буғдой, арпа, тариқ, жўхори каби донли экинларни ўриб-йиғиб олаётган деҳқон даласидаги охирги тутам ғаллани ўриб олишни ғоят табаррук иш, деб билган. Ўтмишда бу юмуш билан алоқадор «обло барака» деган алоҳида маросим бўлганлиги ҳам маълум. Деҳқонлар сўнгги тутам ғалланинг донини келгуси баҳоргача авайлаб асраганлар. Кейинчалик ўша донларни ундириб, майсасининг ширасидан таом тайёрлаш анъанаси юзага келган.

Сумалак пиширилаётган хонадон бамисоли тўйхонага ўхшаб кетган. Пиру бадавлат онахонлар қозон атрофида ўтиришиб, кўнгилларида яхши ниятлар билан қозон ковлаётиб, болаларга қадимий қўшиқ, термаларни айтиб берганлар:

Сумалакжон, сумалак,
Яхшиликнинг белгиси,
Наврўзимга эш бўлган
Сен баҳорнинг элчиси,
Сумалакжон, сумалак,
Сумалакжон, сумалак.

Сумалакка йиғилар,
Катта-кичик, жамулжам,
Пишиб чиқса тотисанг,
Кўнгиллар қувнар бирам,
Сумалакжон, сумалак,
Сумалакжон, сумалак.

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

(Давоми. Боши ўтган сонда)

КОЛЛЕЖГА ЯНГИ ЖИҲОЗЛАР

Олтиариқ туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳасига кўра замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари келтирилди.

Умумий қиймати бир миллиард сўмга тенг бўлган мазкур воситалар ёшларга назарий билимларни шу ернинг ўзида амалиётда синаш имконини беради. Коллежда қишлоқ хўжалиги машиналарига хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш, ветеринария, агрономия, ўсимликшунослик, бухгалтерия ва тикувчилик йўналишларида 800 нафардан ортиқ йигит-қиз таҳсил олмоқда.

— Коллежимиз замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан бойитилгани ўқувчиларимизнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш, касбга оид маҳоратларини оширишга хизмат қилади, — дейди коллеж директори Абдуманноб Нишонов. — Тез кунларда тикувчилик бўлимига янги «Зингер» тикув машиналарини ўрнатамиз.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

МЕХАНИЗМЛАРИ

Иккинчи суҳбат

Шу билан бирга 2007 йилдан бошлаб, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик учун тўланадиган нафақаларни: *бюджет муассасалари* — меҳнатга ҳақ тўлаш фондига бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмидан; *хўжалик субъектлари* — ўз маблағлари ҳисобидан (ушбу харажатларни фойда солиғини ҳисоблаш вақтида) солиққа тортиладиган базадан чиқариш тартиби белгиланди.

Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзларга келсак, Президентимизнинг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бор, биласиз. Унга асосан экспорт қилувчи корхоналар учун умумий савдо-сотиқ ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти — улушига қараб даромад (фойда) ҳамда мулк солиқлари тўлаш тартибига риоя қилади. Яъни, экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида — белгиланган даромад (фойда) солиғи ва мулк солиғи ставкалари 30 фоизга, экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — белгиланган даромад (фойда) солиғи ва мулк солиғи ставкалари 2 барвар камайтирилади.

Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқ тўловини ҳисоблашда микрофирмалар ва кичик корхоналарга ҳам татбиқ этилади. Президентимизнинг 2006 йил 14 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2006 йил 1 апрелдан бошлаб, молия ва банк, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғидан ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилган.

— Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросига ҳам тўхталсангиз...

— Мазкур қарорга кўра, 2006 йилнинг 1 октябридан бошлаб, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан ташқари) кўрсатилган хизматларга пластик карточкалар қўлланиб тўланган ҳажмидан амалдаги ставкага нисбатан 10 фоиз пасайтирилган ставка бўйича даромад (фойда) солиғи ягона солиқ тўловини тўлайди.

Президентимизнинг 2006 йил 22 июндаги «2006-2008 йилларда маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ — бутловчи қисм ва деталлар, тайёр маҳсулот турлари, материаллар хомашё ишлаб чиқарувчи корхоналар 2009 йилнинг 1 январигача маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови тўлашдан, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинган.

Мазкур қарорда назарда тутилган имтиёзлар бериш ҳисобига бўшайдиган маблағлар технология ускуналарини модернизация қилишга, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга, маҳаллийлаштириш Дастурини амалга оширишга жалб этилган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Кичик бизнес субъектлари — микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда бир маротаба тақдим этиб бориши белгиланди.

Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилган. Молия-хўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта текширилиши ва янги ташкил этилган корхоналарни давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида текшириш ўтказилмаслиги белгиланди ҳамда яна бир қатор қўшимча имтиёзлар берилди.

Қолаверса, Юртбошимиз шу йил 2006 йил якунлари ва 2007 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида **ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган ва ягона солиқ тўловини тўлаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун 5 йил муддатга инвестицион солиқ имтиёзини жорий қилиш** таклиф этилаётганини ҳам айтдилар. **«Унга кўра,** — деди давлатимиз раҳбари, — **Солиққа тортиш базаси янги сотиб олинган технологик ускуналар қийматига тенг миқдорда камайтирилади. Фақат бу кўрсаткич солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан ошмаслиги керак».** Ҳозир Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ушбу масала бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлашаяпти ва тез кунларда тасдиқ учун киритади.

Хуллас, бу тадбирларнинг ҳаммаси, яъни янги солиқ механизмлари, шубҳасиз, давлат миқёсида иқтисодий ўсишга олиб келади ва аҳоли даромади ўсишини таъминлайди...

— Суҳбат учун ташаккур.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

❖ Тафсилот

БОШ ВАЗИР ИСТЕЪФОСИ

республика учун сиёсий инқироз эмас, дейишмоқда италиялик экспертлар

Италия ҳукуматининг ташқи сиёсат бўйича қабул қилган резолюциясини мамлакат парламентининг юқори палатаси — сенат рад этди.

Гап шундаки, ҳукмрон коалицияга кирувчи учта партия — Италия коммунистлари партияси, Италияни тубдан ўзгартириш коммунистик партияси ва Яшиллар партияси ҳукуматнинг Афғонистонга қўшимча кучлар жўнатиш тўғрисидаги резолюциясини қўллаб-қувватламади. Резолюция учун 158 нафар сенатор овоз берди. Иккита овоз етишмади. Қонун бўйича 160 сенатор овоз берсагина резолюция қабул қилинган ҳисобланади.

Мамлакат бош вазири ва ташқи ишлар вазири радикал кайфиятдаги пацифистлар (ҳар қандай урушларга, жумладан, миллий озодлик урушларига ҳам қарши чиқадиган, тинчликни тарғиб қиладиган кишилар) иштирокида бир неча бор мажлис ўтказиб, Италия АҚШ олдидаги ўз мажбуриятини буза олмаслигини, шунингдек, БМТ миссиясида қатнашишдан воз кечиб бўлмаслигини, агар шундай қилинса, халқаро ҳамжамият олдида яккаланиб қолишини бир неча бор тушунтирган бўлишига қарамай, сенаторлар бирибир ҳукумат режасига қарши чиқишди. Овоз бериш натижаси эълон қилингач эса мухолифатчилар бош вазир Романо Продининг истеъфосини талаб қилдилар ва Проди истеъфога чиқди.

Ҳозир Римда янги ҳукумат тузиш бўйича маслаҳатлашувлар кетмоқда. Президент Наполитано бугунги кунда ҳам обрў-эътиборга эга бўлган республиканинг фахрий президентлари билан маслаҳатлашди. Энди умрбод сенаторлик ваколатига эга бўлган тўрт нафар сенатор билан, кейин эса парламентнинг иккала палатаси спикерлари билан маслаҳатлашувлар ўтказади. Худди шундай суҳбат партияларнинг палаталардаги вакиллари билан ҳам бўлиб ўтади.

Улар Романо Проди истеъфосини қабул қилиш ёки қилмаслик масаласини муҳокама этиб, ўз хулосаларини беришлари керак. Бу борадаги маслаҳатлашувлар бир неча кунга ёки бир неча ҳафтага чўзилиши мумкин, дейилади «Ansa» ахборот агентлиги тарқатган хабарда.

«Reuters» ахборот маҳкамаси эса бунга қўшимча равишда шуни маълум қилдики, агар «левоцентрист»лар партияси вакиллари орасида Продини қўллаб-қувватловчилар етарли бўлса, президент Наполитано улардан янги ҳукуматни шакллантиришни сўрайди ёки ҳозирги ҳукуматга ишонч билдириш масаласи бўйича парламентга мурожаат этади. Агар парламент ишонч билдириб овоз берса, Проди ўз лавозимида қолади, акс ҳолда эса президент вазирлардан бирортасига барча партияларни қаноатлантирадиган ўтиш ҳукуматини шакллантириш мажбуриятини юклайди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, бош вазирликка номзод масаласида президент билан парламент нуқтаи назари мос тушмаса, президент парламентни тарқатиб юборади ва муддатидан аввал сайловларни эълон қилади. Аммо ҳозирча вазият бу даражага етгани йўқ.

Эслатиб ўтамиз: 2006 йил апрелда ўтказилган сайловларда Проди блоки парламентдан 158 та ўринни қўлга киритган, мухолифат эса 156 та.

XORIJDA

ҚАРЗ СЎРАДИ

Белорусия маъмурияти республиканинг молиявий харажатларини мувофиқлаштириш учун Россиядан 1,5 миллиард доллар миқдорида кредит сўради. Республика Молия вазирлигидан олинган манбаларга асосланиб, «Интерфакс» ахборот агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Расмий Минск бу пулларни бюджет харажатларини молиялашга, Россиядан нефть ва газ сотиб олишга ҳамда Россиядан олган аввалги кредитларни тўлашга сарфламоқчи (охирги марта 2005 йили 147 миллион доллар қарз олган).

Жорий йилнинг январида Белорусиянинг ташқи қарзи 0,84 миллиард долларни ташкил этди.

ҚАСАМЁД ТАҲРИР ҚИЛИНДИ

Туркманистоннинг янги президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов «Сапармурат Туркманбошига садоқат қасамёди» деб юритиладиган шеърий мадҳияни қайта таҳрир қилиб, «Буюк Туркманбоши» ҳақидаги жумлаларни олиб ташлади. Ушбу қасамёдни ҳар куни биринчи саҳифаларида чоп этадиган газеталар энди қасамёднинг таҳрир қилинган вариантини босиб чиқардилар. «Туркманбоши» ҳақидаги жумлалар абстракт маънодаги «президент» жумласи билан алмаштирилди.

Маълумки, республикадаги болалар боғчаларида, мактабларда, давлат муассасаларида ҳар куни тонг шу қасамёдни жўр бўлиб ижро этиш билан кутиб олинади. Парламент сессиялари ҳам шуни қуйлаш билан бошланади. Тиббиётчилар эса Гиппократ қасамёди ўрнига шу қасамёдни қабул қиладилар.

●●●

Қуйидаги ахборот ҳам Туркманистон ҳаёти билан боғлиқ.

«Интерфакс» ахборот агентлиги ёзишича, президент (у бош вазирлик вазифасини ҳам бажаради) янги ҳукуматни шакллантирди. Барча вазирлар 6 ойлик синов муддати билан вазифага тайинландилар. Кимки шу муддат ичида яхши иш олиб боролмаса, вазифасидан озод этилади ва унга бошқа раҳбарлик иши тавсия қилинмайди.

Аввалги ҳукуматнинг айрим вакиллари, жумладан, қишлоқ хўжалиги, савдо ва матлубот кооперацияси ҳамда енгил саноат вазирлари ўз лавозимларини сақлаб қолдилар.

ТИНТУВ ЎТКАЗИШ ҲУҚУҚИ

Буюк Британия Маориф вазирлиги мактаб ўқитувчиларининг ҳуқуқини кенгайтирди, яъни уларга тинтув ўтказиш ҳуқуқини берди.

«The Telegraph» нашри хабар беришича, ўқувчида пичоқ ёки тўппонча сингари совуқ қурол борлигига шубҳа туғилса, ўқитувчи дарҳол тинтув ўтказиши лозим. Бундан мақсад мактабларда зўравонликларнинг олдини олишдир.

Вазирлик ўқитувчиларга ўқувчиларни тинтиш техникасини ўргатишни режага киритди. Бунинг учун махсус курслар ташкил этилади. Бу курсларда ўқиш учун эса 50 фунт (100 доллар) тўланади.

МУҲОЖИРЛАР ОҚИМИ КАМАЙГАН

АҚШ Миллий хавфсизлик вазирлигидан олинган манбаларга асосланиб, «International Herald Tribune» нашрининг хабар тарқатишича, Мексикадан АҚШга ўтувчи нолегал муҳожирлар оқими кейинги тўрт ойда сезиларли даражада камайган. Американинг чегара патрули ўтган йилнинг шу даврига нисбатан чегара бузувчилар 27 фоизга камайганини қайд этди. Чегара бузиш энг кўп қайд этиладиган Техасснинг Юма ва Дил-Рио чегараларида эса нолегалларнинг ўтиши учдан икки қисмга камайган.



Бунинг сабаби нимада?

• АҚШ Миллий хавфсизлик вазири Майкл Чертоффнинг айтишича, 2006 йилдан чегарада қузатувнинг кучайтирилганлиги, яъни қўшимча назорат постлари ташкил қилиниши, чегаранинг мустаҳкам анжомлар билан таъминланиши ва қўшимча равишда 6000 нафар миллий гвардия ҳарбийлари чегара қўриқловига жалб этилганлиги айнан муҳожирлар оқимига тўсиқ бўлган.

MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорлари диққатига!

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, 2007 йил 24 март, соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси, 14-уйда «Микрокредитбанк» биносининг мажлислар залида банк фаолиятининг 2006 йил якунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2007 йил 24 февраль ҳолати бўйича тузилган.

Кун тартиби

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятининг 2006 йил якунлари ҳамда банкнинг 2007 йилдаги устувор вазифалари тўғрисида.
2. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятининг 2006 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси ҳамда фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.
3. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятининг 2006 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва унинг янги таркибини тасдиқлаш.
4. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кенгаши таркибини тасдиқлаш.
5. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Уставига киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар тўғрисида.

Акциядорлар 2007 йил 24 март куни соат 9.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.

Акциядорлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар — (жисмоний шахслар — паспорт, юридик шахслар нотариал тасдиқланган ишонч қоғози) олиб келишлари лозим.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 173-28-12, 173-05-79.
«Микрокредитбанк» АТБ Кузатув Кенгаши

❖ Футбол

Вадим АБРАМОВ:

«ФАҚАТ ПЕКИН ОЛИМПИАДАСИ ҲАҚИДА ЎЙЛАЯПМИЗ»

Футболчиларимиз келаси йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари саралаш учрашувларининг дастлабки босқичидан муваффақиятли ўтишди. Қуръага кўра, Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси кейинги босқичга чиқиш учун энди «F» гуруҳида Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея ҳамда Яман вакиллари билан кураш олиб боради. Гуруҳдаги биринчи учрашув 28 февраль куни БАА футболчилари билан Тошкентда бўлиб ўтади. Ушбу масъулиятли учрашув олдидан бош мураббий билан суҳбатлашдик.

— 2008 йил Хитойда ўтадиган ёзги олимпиада баҳсларининг финал босқичига чиқиш йўлида дастлабки қадам ташланди. Айтингчи, Тожикистон терма жамоаси билан ўтган учрашувдан қанчалик даражада кўнглингиз тўлди?

— Умуман олганда, ғалаба қозониш ва гуруҳ баҳсларига йўлланма олиш вазифаси бажарилди. Мана энди асосий эътиборимизни гуруҳ курашларига қаратсак, бўлаверади. Лекин, ўз ўрнида шуни айтишим керакки, тожик футболчилари билан ўтган «плей-офф» баҳсидан кўра, гуруҳ мусобақаси бироз енгил. Негаки, «уй-сафар» тизимида ўтадиган учрашувларда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларимизни тузатиш имконига эга бўламиз.

— Рақиблар ҳақида нима дея оласиз? Уларни ўрганиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Янги йилда «Пахтакор» жамоаси БААда ўқув-йиғин машғулотлари ўтказди ва мезбон олимпиячилари билан назорат учрашувида куч синашиб, 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Ўша ўйинни стадионда ўзим бевосита кузатдим. Гарчи, таркиб ва футболчилар борасида бирор нарса дея олмасам-да, аммо жамоанинг ўйин услуби билан яқиндан танишдим. Қолаверса, куни кеча БААда йиғин ўтказаётган «Нефтчи» ҳам БАА олимпиячилари билан ўзаро куч синашди — 0:0. Фарғоналиклар сафардан қайтишгач, бош мураббий Юрий Саркисяндан яна қўшимча маълумотлар оламиз, деган умиддамиз. Жанубий Корея ва Яман терма жамоалари тўғрисида ҳозирча ҳеч нарса дея олмайман. Тўғри, Қатарда Жанубий Корея терма жамоасини кўрдик. Лекин бирор аниқ гап айтиш қийин. «Пекин-2008» сари эса ҳали йўл узоқ. Кейинги босқичга йўл олиш учун гуруҳда камида иккинчи ўринни эгаллаш зарур бўлади.

— Навбатдаги йиғинлар қачон уюштирилади? Таркибда қандай ўзгаришлар бўлади?

— 19 февралдан ўйинларга ҳозирлик кўришга киришганмиз. 28 февралга қадар Тошкентда бўламиз. Кейинги ўйинлар миллий чемпионат оралиғида ўтишини ҳисобга олсак, олимпиячиларга расмий учрашувлардан беш кун олдин йиғилишга имкон берилади. Шукрки, жароҳат олган ёки бетоб бўлганлар йўқ. Йигитларнинг кайфияти аъло даражада. Олимпиячиларни асосан 20-23 ёшли футболчилар ташкил қилади. Бу ёшда эса йигитларнинг феъл-атворида тез-тез ўзгаришлар юз бериб туриши табиий. Демоқчиманки, қайсидир футболчи бир ўйинда яхши ўйин кўрсатса, навбатдагисида локайдликка йўл қўйиши мумкин. Бу эса терма жамоалар микёсида кечириб бўлмайдиган ҳолат саналади. Юксак натижаларни кўзлар эканмиз, ушбу йўлда Олимпия терма жамоасига фақат муносиблар жалб этилади.

Толибжон ҚОСИМОВ суҳбатлашди.

❖ Интер-спорт

«У ЧАРЧАГАН КЎРИНАДИ»



«Манчестер Юнайтед» (Англия) футбол клубининг ярим ҳимоячиси Криштиан Роналду чемпионлар лигасининг «Лилль» (Франция) жамоасига қарши 1/8 финал учрашувида мураббий учрашув 67-дақиқасида уни бошқа ўйинчига алмаштирди. Бундан норози бўлган Роналду майдонни тарк этар экан, бир чеккада ётган маъданли сув идишини тепиб юборди. Унинг бу зардаси қимматга тушди. Ўнг оёқ панжалари лат еди. «Манчестер» навбатдаги учрашувни Англия чемпионатида «Фулхэм»га қарши ўтказади. Бу ўйинда Роналду майдонга тушмаса керак. Мураббийнинг «у чарчаган кўринади», деган гапи ана шундай тахминга сабаб бўлмоқда.

ТЕХНИК ҒАЛАБА ЁЗИЛИШИ МУМКИН

Футбол бўйича 2008 йилги Европа чемпионати саралаш учрашувларини ўтказаётган Исроил терма жамоасига бир йўла уч ўйин натижаси бекор қилиниб, техник мағлубият ёзилиши мумкин. Шунда Андорра (4:1,), Хорватия (3:4), Россия (1:1) футболчилари билан ўтказилган учрашув ҳисоблари ўзгаради. Бунга Исроил терма жамоасида тўп сураётган негериялик ҳужумчи Тото Томмуз мамлакат фуқаролигига ўтмаганлиги сабаб бўлмоқда. Агар УЕФАга берилган шикоят ўринли деб топилса, Тото Исроил терма жамоаси таркибидан чиқарилади. Россия терма жамоаси эса техник ғалабалар ҳисобига хорватларни ортда қолдириб, пешқадамликни қўлга киритиши кутиляпти.

«МУМТОЗ АДАБИЁТ» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Шаклда белгиланган хонадон соат мили йўналишида рақам атрофига: 1. XIV аср охири XV аср бошларида яшаб ўтган, «Гул ва Наврўз» ишқий-саргузашт маснавийси муаллифи. 2. Ғазал мулкининг султони. 3. Саъдий Шерозийнинг панднома асари. 4. Алишер Навоий замондоши, қасиданавис шоир. 5. «Улуғбек мадҳи» қасидаси муаллифи. 6. Мумтоз адабиётдаги мустақил шеърий лавҳа. 7. Икки мисра шеър. 8. «Баҳористон» достони муаллифи. 9. «Қиссаи Сайфулмулк» достони муаллифи. 10. Мумтоз шеъриятда топишмоқ жанри. 11. Лутфалибек Озарнинг шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асари. 12. «Юсуф ва Зулайҳо» достони муаллифи. 13. «Девону луғотит турк» асари муаллифи. 14. Беш достондан иборат асар. 15. Алоҳида қофияланиш таркибига эга бўлган шеър бўлаги. 16. Мумтоз шеърий жанр. 17. Хамсанавис ҳинд шоири. 18. Инсонларнинг қадимги замонларда турли соҳалардаги қарашлари баён этилган манба. 19. Ғазал шаклида қофияланиб, ҳар бир мисрадан сўнг такрорланувчи қўшимча мисралар билан ҳамоҳанг шеър. 20. Хожанинг ибратли ҳикоялардан таркиб топган асари. 21. Асарларни таҳлил қилиб, илмий ўрганувчи. 22. Бирор ижодкор шеърларининг алифбо сирасида таркиб топган тўплами. 23. Адабий жанр. 24. Аждодлари шаҳрисабзлик бўлган, Ҳиндистонда таваллуд топиб, асарларини форс-тожик тилида ёзган шоир. 25. Ҳар бир байтнинг биринчи мисраларидаги ҳарфлар сирасидан шеър номи келиб чиқувчи шеър. 26. Шеърнинг китобий атамаси. 27. Асарнинг илк нусхаси. 28. XV аср ўзбек ғазалнависи. 29. «Алпомиш» достонидаги вафодор ёр.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

«Б» ҲАРФЛИ АЙЛАНМА КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

(газетанинг 2007 йил 17 февраль сони)

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида: 1. Байроқ. 2. Боабаб. 3. Бешотар. 4. Бензин. 5. Барчин. 6. Барлос. 7. Беҳзод. 8. Бархан. 9. Беқасам. 10. Бамбук. 11. Бектемир. 12. Беринг. 13. Бинафша. 14. Берлин. 15. Байрут. 16. Баркаш. 17. Бионока 18. Бедана. 19. Барометр. 20. Баланс. 21. Беруний. 22. Баргак. 23. Бағдод. 24. Боткин. 25. Бертло. 26. Булбул. 27. Белфаст. 28. Баббит. 29. Блохин.

МУАММОНОМА

Очиқ сўзлар: 1. Беҳи. 2. Баззоз. 3. Бастакор. 4. «Байже». 5. Бодринг. 6. Боғ. 7. Бэкон. 8. Бўри. 9. Балл. 10. Бином. 11. Бофин.

Ҳикматлар: Тўғри сўз ўз эгасини нажот сари етаклайди. Баданнинг соғлиги ҳасаднинг озлигидан. Нафсга эрк бермасанг, жонинг саломат бўлади.



❖ Қинғир иш — келтирар ташвиш

ОҒУФУРУШ

ҚИРҚ КИЛОГРАММ ҚОРАДОРИ — ОПИЙ ГИЁҲВАНДЛИК МОДДАСИ БИЛАН ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Баднафслик инсонни не кўйларга солмайди, дейсиз? Бундай банда ҳалол-ҳаромни ажратмай, диёнатни ютиб, ўзини ҳар балога гирифтор қилади.

Ўзун тумани «Телпакчинор» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Кароматулло Ҳасанов шу йилнинг 17 январь куни 40 килограмм қорадори — опий гиёҳвандлик моддасини сотаётганда вилоят МХХ ҳамда Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ҳозирда мазкур иш юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Энди у минг тавба-тазарру қилмасин, қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси Яккасарой туман партия кенгашининг масъул ходими Л.Т.Хушназаровага отаси

ТОЖИВОЙ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Аудит-сервиз бизнес» аудиторлик компанияси жамоаси компаниянинг етакчи мутахассиси Султон Бўриевга укаси

Ҳамроқул БЎРИЕВнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Исфандиёр Латиповга отаси

Худоёр ЛАТИПОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси марказнинг Хоразм вилоят бўлинмаси бошлиғи Алишер Ўразалиевга отаси

Абдрим ЎРАЗАЛИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 161-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
12
74
4
23
18
57
50
82
1
68
26
53
66
41
Сони: 3
DVD плеер биттадан
Сумма: 60000
Чипталар рақами
20000308.2
20004978.3
40005497.2

2 ТУР
87
45
73
54
6
8
31
5
88
64
80
34
55
59
29
63
81
30
77
14
Сони: 1
Телевизор
Сумма: 180000
Чипта рақами
10003233.3

3 ТУР
38
90
78
39
15
36
21
75
58
85
72
20
11
69
27
16
32
42
Сони: 1
Музлатгич
Сумма: 300000
Чипта рақами
40005655.1

4 ТУР
40
51
33
43
13
19
67
89
47
46
25
76
2
Сони: 1
NEXIA автомобили
Сумма: 10500000
Чипта рақами
80017867.3

5 ТУР
28
Сони: 2
DVD плеер биттадан
Сумма: 60000
Чипталар рақами
50003197.2
80019289.3

6 ТУР
62
Сони: 1
DVD плеер
Сумма: 60000
Чипталар рақами
12011916.1

7 ТУР
10
Сони: 2
DVD плеер биттадан
Сумма: 60000
Чипталар рақами
30019861.2
70008793.2

8 ТУР
49
Сони: 2
DVD плеер биттадан
Сумма: 60000
Чипталар рақами
10012565.2
70009442.1

9 ТУР
24
Сони: 3
DVD плеер биттадан
Сумма: 60000
Чипталар рақами
20018386.2
50007576.1
80010141.2

10 ТУР
7
Сони: 4
DVD плеер биттадан
Сумма: 60000
Чипталар рақами
30011115.3
60008154.3
90018207.3

11 ТУР
52
Сумма: 10000

12 ТУР
37
Сумма: 7000

13 ТУР
61
Сумма: 5000

14 ТУР
9
Сумма: 3000

15 ТУР
22
Сумма: 2000

16 ТУР
44
Сумма: 1000

17 ТУР
48
Сумма: 500

18 ТУР
60
Сумма: 500

19 ТУР
86
Сумма: 500

20 ТУР
79
Сумма: 500

21 ТУР
65
Сумма: 500

22 ТУР
3
Сумма: 500

23 ТУР
70
Сумма: 500

Қўшимча тур
Сумма: 1500

Халтадан чиқмаган шарлар:
17
35
56
71
83
84

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2007 йил 8 мартдаги 162- тиражида ўйналадиган супер ютуқлар:

1 -турда — Чангютгич (биттадан)
2 -турда — Микротўлқинли пешгич (биттадан)
3 -турда — MATIZ автомобили
4 -турда — MATIZ автомобили
5 -турда — MATIZ автомобили
6 -10 т. — Байрамона ютуқлар тўплами: Чангютгич+Микротўлқинли пешгич +Музлатгич (биттадан)

Қолган турларда пул-буюм ютуқлари ўйнилган

Ютуқлар ҳар сешанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФсида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8-уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел.: 153-25-54, 153-26-60.

Пул ютуқлари "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 146
14282 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 22.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda